

ПАХТАНИНГ БАҲОСИ
300 ТЕНГЕДАН
ОШДИ

2-бет

ОЧИҚ ОСМОН
ОСТИДАГИ
КИНОТЕАТР

3-бет

НОИНСОФ ОДАМЛАР.
УЛАР ҚАЙСИ
МАМЛАКАТДА КЎПРОҚ?

7-бет



Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

janubiy.kz

2021 йил 7 октябрь, пайшанба. №103 (3008).



МАҚСАДЛАР БИРЛАШСА – ЭЛЛАР ЮКСАЛАР

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
ЕВРОПА ИТТИҒОҚИ
ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев Европа Иттифоқининг Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили Имон Гилмор ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Тери Хакалани қабул қилди.

Учрашувда Қозоғистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик доирасидаги ўзаро муносабатлар ва истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалалари кўриб чиқилди. Давлат раҳбари Европа Иттифоқи делегациясига Қозоғистонда олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, шунингдек, Афғонистонга гуманитар ёрдам кўрсатиш чоралари хусусида маълумот берди. Имон Гилмор Қозоғистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамкорлик даражасига юксак баҳо бериб, ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун алоқаларни сақлаб туриш муҳимлигини таъкидлади.

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ АҚШНИНГ
ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ЭЛЧИСИНИ
ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Давлат раҳбари АҚШнинг Қозоғистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Уильям Мозерни Қозоғистондаги дипломатик миссияси якунланиши муносабати билан қабул қилди.

Президент Уильям Мозерга Қозоғистон ва АҚШ ўртасидаги кенгайтирилган стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун миннатдорчилик билдирди.

Ўз навбатида, Уильям Мозер мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотларга юксак баҳо берди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий кун тартибининг қатор долзарб масалалари, жумладан, Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди.

Сухбат якунида Президент Уильям Мозерга миннатдорчилик мактуби ва махсус нишонни топширди.

Akorda.kz.



МУСАФФО ТАБИАТ – ЁРҚИН ҲАЁТИМИЗ ГАРОВИ

Маълумки, сайёрамизда биологик хилмаҳиллик ва табиий захираларнинг қисқариши давом этмоқда, қурғоқчилик янада долзарб тус олаяпти, иқлим ўзгаришининг фалокатли оқибатлари тобора аён бўлиб бораётир, табиий офатлар тез-тез такрорланиб, уларнинг хавфи ортмоқда. Ҳаво, сув ва денгиз муҳитининг ифлосланиши эса миллионлаб инсонларни муносиб ҳаёт кечиришдан маҳрум қилаяпти. Шуларни эътиборга

олган ҳолда Ўмирзақ Шўкеев минтақа ишбилармонларини Туркистоннинг унумдор тупроғига сармоя киритган ҳар бир тенге даромадини ошириш тажрибасидан фойдаланишга чақирди. Шу мақсадда минтақа раҳбари мутасадди бошқарма раҳбарларига «яшил белбоғ»ни шакллантириш тадбирларини жадаллаштиришни топширди.

«Яшил белбоғ» лойиҳасини амалга ошириш режаси Туркистон вилоятида

сув захираларини тақсимлашнинг янги сиёсати туфайли юзага келди. Илгари, канал орқали сувнинг тупроққа сингиб кетиши туфайли кўплаб сувдан маҳрум бўлинган. Бетонлашдан кейин сув тежаллади, деҳқонлар ҳам сувдан фойдаланиш имконига эга бўлади.

«Жанубий Қозоғистон»
мухбири.

ОБИКОР ДЕҲҚОНЧИЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Қозоғистонда 600 минг гектар обикор ерни тиклаш ишлари беш йил бўйи давом этади. Бу ҳақда Қозоғистон Экология, геология ва табиий захиралар вазири Серикқали Брекешев Ҳукумат йиғилишида каналлар ва сув омборлари қурилиши муҳокамаси доирасида маълум қилди.

– Таъкидлаш жоизки, обикор деҳқончилик сувнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланади. Ҳозирги кунда суғориладиган ерлар майдони 1,6 млн гектарни ташкил этмоқда. 600 минг гектар суғориладиган ерни тиклаш ишлари беш йил бўйи давом этади. Шундай қилиб, обикор ерлар майдони 2,2 миллион гектаргача оширилади, – деди С. Брекешев.

Шу билан бирга, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра республикада сувни тежайдиган технологиялар билан таъминланган майдон 248 минг гектарни ташкил этди.

24 kz.



• Обуна – 2022

“ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” газетасига обуна бўлинг!

Матбуот – жамиятнинг кўзгуси, кундалик ҳаётимизнинг ойнаси, шитоб билан ўтиб бораётган умр лаҳзаларининг қоғоздаги инъикосидир. “Жанубий Қозоғистон” – республикаимиздаги ягона ўзбекзабон давлат нашри, унда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримиз ҳақидаги ранг-баранг мақолалар, янгиликлар, турфа ҳангомалар она тилимизда эълон қилинади.

Ҳурматли юртдошлар!
«Жанубий Қозоғистон»га
2022 йилнинг биринчи
ярми учун обуна давом
этноқда.

“Қазпочта” ҲЖ орқали:
Шимкент шаҳри учун – 2590, 85 тенге;
туманлар учун – 2911, 20 тенге.
Шимкент шаҳри учун таҳририят орқали бевосита
обуна баҳоси – 1600 тенге.



Сўнгги 30 йилда жанубдаги миришкорлар илк бор етарли сув ола бошлашди. Натижада пахтадан рекорд ҳосил етиштиришга эришилди. Бу ютуқларга икки қардош давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиши тўғрисида эришилди. Туркистон вилоятига махсус сафар билан келган Ўзбекистон Республикаси Фавқуллодда вазиятлар вазири, Президент маслаҳатчиси Турсунхон Худойбергенов ва Сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев бошчилигидаги делегация қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига туртки берган ўзгаришларга гувоҳ бўлишиб, пахтакорлар билан учрашди.

Қозоғистон Республикаси Экология, геология ва табиий захиралар вазири Серикқали Брекешов ва Туркистон вилояти ҳоқими Умирзақ Шўкеев ҳам миришкорларнинг бугунги ҳаёти билан яқиндан танишдилар.



ПАХТАНИНГ БАҲОСИ 300 ТЕНГЕДАН ОШДИ

Ўтган йил Мақтаарал туманидаги сув босган экин майдонларини қайта тиклаш, чигит экиш ишларида кўшни мамлакат ёрдами аямаган эди. Ўзбекистон Республикасининг Жизза ва Сирдарё вилоятларидан 40дан зиёд техника, 250 тонна чигит етказилиб, суви тортилган аҳоли манзилларидаги хўжаликларга ёрдам бериб, чигитни қайта экиш тадбирларида қатнашишганди. Албатта, кўшнларнинг беминнат ёрдами мақтааралликлар миннатдорчилик билан эслашади.

Жорий йилдаги қурғоқчиликка қарамай, пахтакорлар сувни ортиги билан олишди. “Сардоба” сув омборининг бузилишидан Мақтаарал туманидаги 7 минг 500 гектар экин майдони зарарланган эди. Сувга чайилиб кетган ерларга Ўзбекистоннинг “Султон” пахта нави экилиб, ундан яхши ҳосил олинмоқда.

Делегация “Алмат” деҳқон хўжалигининг пахта даласида бўлиб, деҳқонлар билан учрашди. Қурғоқчиликка қарамай, сувни вақтида, ортиги билан олган миришкорлар мўл ҳосилдан умидвор.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, минтақада пахта баҳоси ўтган йилгидан икки баравар ошди. Туркистон вилоятида 18та пахтани қайта ишлаш заводининг 200дан зиёд пахта қабул қилиш бекатлари орқали 1 тонна пахта 300 минг тенгедан қабулланмоқда. Шу кунгача 33 минг гектар майдондаги “оқ олтин” териб олинди, 70 минг тонна хирмон кўтарилди.

Ўтган йили мақтааралликлар Ўзбекистондан кўмак учун келган техникалар ёрдамида чигитни қайта ўтказиб олдилар. Қўшнларимиз техникадан ташқари, ёнилги, чигитни ҳам бепул беришди. Шу пайтда зарар кўрган хўжаликлар учун бу жуда катта ёрдам бўлди. Туну кун тиним билмай қилинган заҳматли меҳнат натижасида мўл ҳосил етиштирилди. Пахта баҳоси ҳам кўтарилди. Ҳозир килосини 300-320 тенгедан сотяпмиз. Қўшни Ўзбекистон давлати билан келишиб, сувни ортиги билан олдик. Буларнинг барчаси Элбошининг кўллови, Давлат раҳбарининг топшириғи, кўшни давлат билан дўстона муносабатлар яхшиланишининг



натижасидир. Давлат томонидан имтиёзли турда берилаётган ёнилги ва минерал ўғитлар ҳам етарли. Одамлар мамнун. Деҳқонлар яхши даромад оладиган бўлди, – деди “Бағдат” деҳқон хўжалиги раҳбари Даулетбай Жўриббетов.

Жорий йилда 110 минг гектар пахтадан 280 минг тонна хирмон кўтариш режаланган. Пахта толаси Европага экспорт қилинади. Йиғим-терим ишларига 43 минг тонна ёнилги ажратилди. Унинг литри 172 тенгедан.

Ўзбекистондан келган делегация Мирзакент янги кичик туманида барпо этилган 1200 ўринли мактаб қурилиши билан ҳам танишди. У ердаги замонавий жиҳозлар, сўнгги русумдаги ускуналар меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Мактабга тўпланган миришкорларнинг Мақтаарал янги қиёфа касб этганини фахр билан тилга олишди. Табиий офатдан кейин аҳолининг бошқа ерларга кўчиб кетишмаганини алоҳида таъкидлашди.

– Қийинчиликлар унутилиб, қишлоғимиз янада чирой очди. Кўплаб янги бинолар, ижтимоий иншоотлар қад ростлади. Ўзбекистон халқи билан азалдан яхши қўшничилик муносабатларида ҳаёт кечирамиз. У ёқда қариндошларимиз яшайди. Бир дарёдан сув ичадиган қардош халқимиз. Улар оғир дамларда ёрдами аямаганди, энди хурсандчилигимизга ҳам шерик бўлишмоқда, – дейди миришкор Шавкат Ҳамроев.

Шундан сўнг, вилоят раҳбари Ў. Шўкеев делегация аъзоларини Жетисай шаҳридаги “Қидир ата” хусусий клиникасининг фаолияти билан таништирди. Замонавий жиҳозланган тиббиёт муассасаси 120та ўринга эга. Клиника шифокорлари 100 қақирим олисда жойлашган Тошкент шифокорлари билан доимо тажриба алмашиб турадилар.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

“УСТОЗЛАР ХИЁБОНИ” ОЧИЛДИ

Қазигурт туманида Ўқитувчилар кўни муносабати билан Т. Рискулов мактаб-лицейида “Устозлар хиёбони” фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида туман ҳоқими Арман Абдуллаев ва фахрий устозлар қатнашди.



Хиёбондаги ўриндиқлар глобус, китоб ва бошқа ўқув қуроллари шаклида ишланган.

Устозлар байрами Маданият уйида давом этиб, қазигуртликлар шарафли касб эгаларини касбий байрамлари билан қутлашди. Бир гуруҳ ўқитувчиларга “Ибирай Алтинсарин” кўкрак нишони, туман ҳоқими ва маслаҳатчининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

4 ОИЛАГА БОШПАНА БЕРИЛДИ

1 октябрь – Қариялар кўни арафасида Келес туманининг Бирлик қишлоқ округида 4 оила бошпанали бўлди. Ҳоқимликнинг собиқ биноси қайта таъмирланиб, қишлоқ оқсоқолларининг тавсиясига кўра, 4 муҳтож оилага берилди.



Уйларни эгаларига топшириш тадбирида туман маслаҳати котиби Арин Тўтиков иштирок этиб, эҳтиёжманд оилаларга уй қалитларини топширди.

Туман ҳоқимлиги янги уй эгаларига маиший техникалар ҳам совға қилди.

Янги уй эгалари туман раҳбариятига миннатдорчилик билдириб, эзгу иш учун миннатдорчилик билдиришди.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

2021 йилнинг 30 сентябрида ўтказилиш режаланган, лекин октябрь ойига қолдирилган Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги ўн биринчи сессияси 2021 йил 12 октябрь кўни соат 11.00да вилоят ҳоқимлиги биносида ўтади.

Манзил: Туркистон шаҳри, Маъмурий-тадбиркорлик маркази (1-қаватдаги мажлислар зали).

Депутатлар ва меҳмонларни рўйхатга олиш 12 октябрь кўни соат 10.00да зал фойеида юритилади.

Қ. БАЛАБИЕВ,
вилоят маслаҳати котиби.



СУВДАН ОҚИЛОНА Фойдаланиш – МУҲИМ МАСАЛА

Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин раислигида ўтган Ҳукумат йиғилишида сувдан оқилона фойдаланишда янги технологияларни жорий этиш муаммолари муҳокама қилинди.

– Президент Қасим-Жўмарт Кемелули Тўқаев жорий йилги Мақтубида 2025 йилгача обикор ерлар майдонини 2,2 миллион гектарга, 2030 йилгача эса 3 миллион гектаргача кенгайтириш юзасидан аниқ вазифаларни белгилади. Бунинг учун сувдан унумли фойдаланиш, энг янги технологияларни жорий этиш, саноатни рақамлаштириш зарур. Шунда сув сарфи автоматлаштирилган тарқатиш ва ташиш ҳисобига йилига 1,2 куб. километрга камаяди, – деди А. Мамин.

Шу билан бирга, кейинги беш йил мобайнида 120та канални янгилаш ва 9та янги йирик сув омборини барпо этиш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилади.

– Шунингдек, яйловлардаги гидротехник иншоотларни, қудуқларни янгилаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишни вилоятлар тасарруфига ўтказиш керак. Умуман олганда, мавжуд сув омборларини қуриш ва янгилаш, шунингдек, сувни тежайдиган технологияларни қўллаш йилига 6,4 куб. чақирим ҳажмида кўшимча сув захиралари билан таъминлаш имконини беради. Бу чора-тадбирлар «Яшил Қозоғистон» миллий лойиҳасига ҳам киритилган. Мен белгиланган чораларни қўллаб-қувватлашни таклиф қиламан, – деди Бош вазир. У 600 минг гектар обикор ернинг тикланишини таъминлаш учун каналларни янгилаш ва сув омборларини қуриш тадбирлари олиб борилаётганини маълум қилди.



– Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан оқилона фойдаланишда деҳқон хўжаликлари ўз тасарруфларидаги суғориш тармоқлари ва улардаги сув иншоотларини сифатли таъмирлаши, ариқларни лойқалардан доимий равишда тозалашлари лозим. Ана шундагина хўжалик ички суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентини ортади, тармоқда сувнинг беҳуда йўқолиши ка-

маяди. Қолаверса, қиш ва эрта баҳорда сувлар бекор оқиб кетишининг олдини олиш учун ана шу сувларни далада олиб қолиш, шўрланган ерларнинг шўрини ювиш каби тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ўтказилиши келгусида ерларнинг сувга бўлган талабини маълум миқдорда қондиради. Экинларни суғориш мuddати бирмунча орқага сурилиши ҳисобига сувга эҳтиёж кўп бўлган даврларда сув тақчилли-

гининг олди олинади. Мухтасар қилиб айтганда, сув – ҳаётимиз манбаи, турмушимизнинг тўкин ва фаровонлигини таъминловчи азиз неъмат. Шу боис ҳам сувни исроф қилмаслик, ундан оқилона фойдаланиш борасида зарур барча ишларни олиб борамиз.

Primeminister.kz.

Мақтаарал тумани, Мирзакент аҳоли манзилидаги янги кичик туманда 1200 ўринли мактаб қурилди. У яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Ўтган йилги тошқиндан кейин 400га яқин оила кўчиб келган ушбу кичик туманда қад ростлаган мазкур билим даргоҳига бир неча вагон қурилиш ашёларини қўшни Ўзбекистон ёрдам сифатида етказиб берди.

Мақтааралликлар билан учрашиб, бугунги шароитлар билан яқиндан танишиш мақсадида ЎзР Фавқулодда вазиятлар вазири, Президент маслаҳатчиси Т. Худойберганов ва ЎзР Сув хўжалиги вазири Ш. Ҳамроев ташриф буюришди.



ЯНГИЛАНГАН МАҚТААРАЛДА ЯНГИЛИК БИСЁР



Туркистон вилоятининг ҳокими Ў. Шўкеев ҳамроҳлигида аҳоли билан учрашган ўзбекистонлик олий мартабали меҳмон Турсинхон Худойберганов: “Эл-юртнинг тинч-омон, яхши янгиликлар билан кўриб турганимиздан бениҳоя хурсандимиз. Қийинчиликларни енгиб, бирлик ва меҳнат натижасида Мирзакент замонавий марказга айланибди. Барча хонадонларга муваффақият, қут-баракат тилайман”, деди.

– Сиз билан яна учрашиб турганимиздан хурсандимиз. Ўтган йилги офат қадрдон икки мамлакат учун талай машаққатларни етказгани маълум. Нохуш хабарни эшитган заҳоти ҚР Тўнғич Президенти, Элбоши Нурсултан Назарбаев, мамлакатимиз Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевлар-

нинг бевосита назорати остида Мақтааралга давлат томонидан жадал ёрдам кўрсатилди. Бутун халқ оёққа туриб, жабрдийдаларга ёрдамга ошиқди. Ҳеч ким эътиборсиз қолмади. Тошқин оқибатларини бартараф этиш учун қўшни Ўзбекистондан ҳам ёрдам келиб, ҳамжиҳатликда меҳнат қилинди. Биродаримиз ўзбек халқи билан ёрқин лаҳзаларда ҳам, оғир кунларда ҳам доим биргамиз! – деди вилоят ҳокими Ў. Шўкеев.

Шу билан бирга ҳоким мирзачўлликларга оғир шароит юзага келганда бошқа жойларга кўчиб кетмай, қишлоқда қолгани учун миннатдорчилик билдирди.

Мақтааралликларнинг турмуши фаровон бўлиши учун Ҳукумат раҳбари А. Маминнинг бе-

восита топшириғи билан хароба ётоқхона, эски болалар боғчаси, ҳаммом каби иншоотларда яшаб юрган 28 оиллага ҳам янги кичик тумандан уй-жой берилди.

70 гектар майдонда қад ростлаган янги шаҳарчадаги 400та уйга аҳоли Женис, Жана турмис, Дўстик овулларида кўчиб келди. Ҳозир у ерда барча инфратузилма мавжуд, одамлар фаровон яшашлари учун зарур барча шарт-шароитлар муҳайё.

2020 йилнинг май ойида Ўзбекистоннинг Сардоба сув омбори бузилиб, Мақтаарал тумани сув остида қолгани барчанинг ёдида.

Унинг оқибатларини бартараф этиш учун минтақага 3 ой ичида 30 млрд. тенгедан зиёд сармоя жалб этилди. Давлат хазинасидан ташқари, саноат тадбиркорлардан тортиб, оддий инсонларгача жабрланганларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишди. Минглаб одамлар иш билан таъминланди. Мирзакентда учта қишлоқ аҳолиси учун янги кент қад ростлади. Мана бугун, ўша шаҳарча меҳмонларни қарши олмақда, фаровон турмушини кўз-кўз қилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

АЪЛО ДАРАЖАДА ЯКУНЛАНГАН МАВСУМ

Алмати вилоятидаги “Биринчи Май” тўғонида байдарка ва каноздан ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Қозоғистон чемпионати ўтиб, унда мамлакатимизнинг 12та минтақасидан 148 нафар спортчи қатнашди.

Эшак эшиш бўйича ўтган мусобақаларда Туркистон вилояти спортчилари 21та олтин, 10та кумуш, 14та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. 9та олтин медалига эгалик қилган Шарқий Қозоғистон вилояти жамоаси – иккинчи ўринни эгалласа, 8та олтин медалга сазовор бўлган жезқазғанликлар кучли учликка кирди.

Туркистон вилоят сув спорти турларидан олимпиада захираларининг ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари мусобақалар мавсумида жами 45та медалга эгалик қилишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ КИНОТЕАТР

Байдибек тумани, Шаян қишлоғидаги Ёшлар истироҳат боғининг очиқ майдонида 110 томошабинга мўлжалланган ёзги кинотеатр фойдаланишга топширилди.



Мустақилликнинг 30 йиллиги ва 1 октябрь – Қариялар кунига бағишлаб очилган кинотеатрнинг тақдимот маросимида туман ҳокимининг ўринбосари Б. Жанғазиев, туман фахрийлар кенгаши раиси Б. Қалаубай ва «САҚ» киностудияси директори Н. Исаули иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққан маданият арбоби, режиссёр Б. Дауренбеков «Мейірім шуағи» фильмининг 70та видеодинкини туманга туҳфа қилди.

Шу куни ушбу фильм барча томошабинлар эътиборига ҳа-вола этилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён туманда очилган илк кинотеатр шу бўлиб, яқин келажақда туман аҳолисига турли жанрлардаги фильмлар намойиш этилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ҚР “Балиқ овлаш спорти” федерацияси ва Туркистон вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан қайиқларда балиқ овлаш бўйича “Turan fest” халқаро турнири бошланди. Ўтрор тумани, “Жетикўл” балиқ овлаш ҳудудида уюштирилган халқаро мусобақада 12 мамлакатдан, яъни Россия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва бошқа давлатлардан келган спортчилар куч синашади.

БАЛИҚЧИЛАР БЕЛЛАШГАНДА



сиз! Лойиҳа сайёҳлик соҳаси ривожига ҳисса қўшиб, анъанага айланишига умид қиламиз. Биз сайёҳлик ва спорт соҳасини биргаликда ривожлантириш учун амалий ишларга кўчганмиз. Мамлакатимизда тенгсиз сув спорти мажмуасининг қурилиши улкан воқеа бўлди, – деди С. Қалқаманов.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари касбий овчилик ва балиқ овлаш турларини уюштирувчиларнинг, яъни аутфитерларнинг мусобақани июнь ойида ўтказиб, сайёҳлик соҳасига салмоқли маблағ туширилишини маълум қилди.

– Бунинг учун “Туркистон вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг 2024 йилгача мажмуавий режаси” доирасида йирик сув иншоотлари қурилмоқда. Метеорологларнинг айтишича, олиб борилаётган ишлар натижасида минтақада намлик даражаси ортиб, ҳарорат 1,5 даражага пасайган. Туркистон магистрал канали таъмирлангач, 60 млн. метр куб сув тежалади. “Кенгай-Қўсқўрган-2” сув омбори лойиҳаси тўлиқ ишга туширилса, шаҳарга қўшимча 34 млн. метр куб сув етказилади.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

Мусобақа ўтаётган Жетикўлда “Кўлар тизимини янгилаш” лойиҳаси ниҳоясига етгач, қўшимча 300 млн. метр куб сув тўпланиб, Туркистон шаҳрининг экологик аҳволи яхшиланди ҳамда кичик ва ўрта бизнес, сайёҳликни ривожлантиришга кенг йўл очилди. Бу ерга дарахт кўчатлари ўтқазилиб, одамлар дам оладиган боҳаво жойга айланди.

Мусобақанинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Саен Қалқаманов балиқ овлаш туризмнинг миллатлар ва давлатлар дўстлик, маданий алоқаларининг ривожланишига туртки беришини алоҳида таъкидлади.

– Бой тарих ва хушманзара табиатга эга Туркистон вилоятига хуш келиб-

ТЎЛЕБИЙДА МОЛ БЎРДОҚИЛАШ МАЙДОНЛАРИ КЎПАЯДИ

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича давлат ёрдами ортгани сайин, қишлоқ хўжалигида ички яппи маҳсулотлар ҳажми ҳам ортиб бормоқда.

Тўлебий тумани Киелитас қишлоқ округида хусусий тадбиркор Аманжўл Кўшенов мол бўрдоқиллаш билан шуғулланиб, йилкичилик ривожига ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда у 10 бош буқа, 20 бош йилқи, 10 бош сигир боқяпти. Аманжўлнинг оилавий бизнеси ривожланиб, 2 нафар ҳамқишлоғини ҳам иш билан таъминлади.

Қишлоқда гўшт етиштириш соҳасига ҳиссасини қўшган А. Кўшенов келажакда мол бўрдоқиллаш майдончасини кенгайтириб, қорамол сонини кўпайтирмоқчи. Бугунги кунда бия



сутига талаб катта. А. Кўшенов шу йўналишда ҳам иш олиб бормоқда.

Вилоят минтақавий
алоқалар хизмати.

COWORKING МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ



Жорий йил 1 октябрдан Nur Otan партиясининг Туркистон вилоят филиали ташаббуси билан шаҳар филиали биноси қошида “Coworking” ёшлар марказининг очилиш маросими ўтди.



Йиғинга партия вилоят филиали раисининг биринчи ўринбосари Б. Тажибаев, Туркистон шаҳри ҳокими Н. Тўрашбеков ва минтақанинг фаол ёшлари иштирок этишди. Шу билан бирга тадбирда иштирок этаётган ҚР Парламенти Мажлисининг энг ёш депутати М. Ахметов ва Jas Otan ёшлар қанотининг раиси Нуржан Жетписбаев ҳам туркистонлик ёшларнинг қувончига шерик бўлишди.

Мазкур марказнинг қалитини топшириб, табриклаган Б. Тажибаев партиянинг сайловолди дастурида ёш-

ларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим олишига, касб эгаси бўлишлари учун шароитлар яратишда ёрдам кўрсатган ҳомийлар ва партия фаолларига миннатдорчилигини билдирди.

Марказнинг қурилиши 2021 йил март ойида маҳаллий тадбиркорлар ва депутатларнинг қўллови билан бошланди. Туркистондаги “Ғалаба” истироҳат боғи қошида жойлашган ушбу марказ бир вақтларда 50-70 кишигача қабул қила олади. Майдони – 100 квадрат метр.

“Coworking” маркази за-

мон талабига мос жиҳозланиб, интернет билан таъминланган. Бу ерда ёшлар бўш вақтини нафақат самарали ўтказишади, балки ўз устида ишлашга, партия ташаббуслари ва давлат аҳамиятидаги тадбирларни амалга оширишга ҳам вақт топишади. Истироҳат боғида турли шаклдаги тадбирларни ташкил этиш мумкин. Ташкилот Туркистон ёшларига бепул хизмат кўрсатади.

Нур Отан партияси
Туркистон вилоят
филиалининг
матбуот хизмати.

• Брифинг

“ХАЙРИЯ ҚАРВОНИ” ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ



Бу йил республикада тўртинчи марта ўтказилаётган ушбу танлов – савоб ишлар қилувчи, муҳтожларга ёрдам берувчи инсонларни топишга, жамиятда меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби инсоний қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган.

Танлов ҳар йили Қоғоғистон тараққиётига ҳисса қўшаётган мурувватли инсонларни, меценат ва ватанпарварларни аниқлаб, мукофотлайди. Бу ҳақда Туркистон вилояти тадбиркор хотин-қизлар ҳамжамияти раисаси Инара Намазбаева маълум қилди.

Танлов ташкилотчилари: Нурсултан Назарбаев Жамғармаси, Қоғоғистон тадбиркор хотин-қизлар ҳамжамияти, “Оқжетпес” даволаш-соғломлаштириш мажмуаси, “Хабар” агентлиги ва “КТК” телеканали.

Танловда ижтимоий масала, муаммоларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшаётган ҳамда ўзгаларни ҳам хайрли ишларга рағбатлантираётган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда бир неча номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади. “Асар” номинацияси халқ анъаналарини асраб-авайлашга қаратилган хайрия фаолияти учун берилади. “Туғилган юрт” номинацияси эса таълим, экология ва ободонлаштириш, маданий иншоотларни тиклаш, туғилган юртга эҳтиром тарзида хайрия ишларини амалга ошираётган фуқароларга берилади. “Жасур юрак” номинацияси – жасорат ва фидойилик кўрсатган инсонларники. “Меҳр-муҳаббат йўлида” номинацияси эса маълум вақт мобайнида доимий равишда муҳтож одамларга ҳолис ёрдам кўрсатган кишиларга берилади. Шунингдек, брифингда иштирок этган

Туркистон вилоят тадбиркор хотин-қизлар ҳамжамияти “Ёш қанотлар” гуруҳи раисаси Насиба Отаева бошқа номинацияларга эътибор қаратди.

Унинг айтишича, “Хайрия тарихи” номинацияси – ижтимоий масалаларни энг яхши ёритган журналистга ёки ижодий жамоага берилади. “Болалар юраги” номинацияси билан эса фавқулодда вазият пайтида мардлик кўрсатган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар тақдирланади.

“Жониворларга меҳрибонлик” номинацияси теварак-атрофимиздаги жониворларга яхши муносабатда бўлиб, уларни асраб-авайлаш, табиатга меҳр кўрсатиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини юритадиган кишиларга мўлжалланган.

Танловга аризалар 2021 йил 30 нояргача қабул қилинади.

Бу ҳақдаги маълумот-ахборотларни www.fnn.kz, www.businesswomen.kz сайтларидан олиш мумкин.

Вилоят минтақавий
алоқалар хизмати.

БОР БЎЛИНГ, САХОВАТЛИ ИНСОНЛАР!



Бир инсоннинг кўнглини обод айламоқ, яхшилик қилмоқ, жаннатда қаср қурмоқдир.

Ҳадисдан.

Дарҳақиқат, яхши инсонларнинг яхшилиги, саховати хайрли ишларини айтиб, кўпчиликнинг номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман.

“Улес” хайрия ташкилотининг аъзолари, раҳбари Райимжон Қўчқоров бошчилигида олиб бораётган хайрли ишлари, муҳтож оилаларга кўрсатаётган беминнат ёрдамдан барча мамнун. Оиласи ёрдамга муҳтож инсонларнинг аҳволидан хабар олиб, уйларига озиқ-овқат, мева-сабзавотлар етказиб берилмоқда.

Биз бир гуруҳ аҳоли номидан “Улес” хайрия жамғармасининг аъзоларига, раҳбари Р. Қўчқоровга чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз. Шундай олиҳиммат, саховатли, элим, юртим деб яшайдиган ҳамюртларимиз омон бўлишсин, уларнинг сафи кенгайверсин.

Нилуфар БОБОХОНОВА.
Кариш қишлоғи.

КЕЛЕСЛИКЛАР МОҲИР ЖУРНАЛИСТНИ ХОТИРЛАШДИ



Келес туманида эл-юртга таниқли журналист, ҳуқуқ соҳасида қалам тебратиб, ўткир мақолалар ёзган, вилоят “Оңтүстік Қазақстан” газетасининг бош муҳаррири лавозимида фаолият юритган Анар Аспаннинг порлоқ хотирасига бағишланган тадбир уюштирилди.

Кечада у билан фаолият юритган ҳамкасблари, журналистика соҳасининг фахрийлари, Келес тумани ҳокими Ақментай Есбаев, “Оңтүстік Қазақстан” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг Директор-Бош муҳаррири Абай Балажан ва тахририят ходимлари, марҳуманинг қариндош-уруғлари иштирок этишди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

• Таълим

Таълимда содир бўлаётган ўзгаришлар, бир марталик тадбирлар эмас, балки жараёндир.
Майкл Фуллан.

КЎП ТИЛЛИ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Марказий Осиё давлатларида миллий, маданий ва тил хилма-хиллиги қадимдан мавжуд. Бугун давлатчилик ривожланишининг босқичида кўп миллатли турли жамятларнинг бирдамлиги ва ижтимоий интеграциясини мустақамлаш масаласи долзарб муаммолардан бири. Кўп тилли ва кўп маданиятли таълимни илгари суриш бундай муҳим вазифани ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшиши табиий.

Давлат тили ва бошқа миллатлар тилларини ўрганишни яхшилаш борасида амалга оширилаётган тадбирларга қарамай, Марказий Осиё давлатларида этнослар тилларида фаолият юритаётган мактаб тизими қийинчиликларга дуч келмоқда.

Ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларини эътироф этган ҳолда тил таълими соҳасидаги ислохотларни барча ўқувчилар учун тенг ҳаммабплигини, тенг имкониятларини таъминлаган ҳолда ўтказиш муҳим, бу борада мамлакатлар ўз мажбуриятларини бажаришлари зарур.

Давлат тилини фан сифатида ўрганиш кўплаб ўқувчиларнинг олий ўқув юртига киришини, тўлақонли касб эгаллашини ва қарорлар қабул қилишини таъминламайди;

Этнос вакиллари олий

ўқув даргоҳларида озчиликни ташкил қилади, кириш тестлари эса давлат ёки рус тилларида бўлади.

Бу эса ўзбек ва тожик тилидаги мактаб битирувчиларининг олий таълим олиш имкониятини чегаралаб қўяди;

Этнослар тилидаги мактабларда кадрлар масаласи долзарб, ўқув-услубий таъминотдаги қийинчиликлар буларнинг таълим сифати, нуфузи ва рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади;

Туркистон вилояти услубият маркази “Тилларни ривожлантириш” кафедраси услубиятчилари мана шундай муаммоларни ҳал қилиш мақсадида кўптиллик дастури лойиҳасини йўлга қўйди. Лойиҳага Туркистон шаҳридан ва Сайрам туманидан бир қанча таълим масканлари танлаб олинди. Мақсад – миллий мактаблардаги ўқувчиларнинг ўз она тилини сақлаган ҳолда ўзга тилларни ҳам мукамал эгаллашига яқиндан ёрдам бериш.

Албатта бу лойиҳа осонликча амалга ошмайди. Чунки, икки тилда бир фанни ўргатишга тайёр мутахассислар озчиликни ташкил этади. Бунинг учун мактаб маъмурияти уларнинг махсус курсларда малакасини оширишини таъминлаши зарур. Бу масала юзасидан бир нечта йўналиш бор.

Кўп тилли таълим:

- иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларда барча этник уюшмалар вакиллари-

нинг тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокида кўмагини беради;

- маданий турли-туманлик, маданиятлараро ўзаро муносабатларни ривожланиши имконини беради;

- миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ва фуқаролар тенглигини мустақамлаш орқали жамят бирдамлигини оширишга ёрдам кўрсатади;

- ўқувчиларга бу тилни ҳозир ва келажакда, мустақил ҳаётга қадам қўйган пайтларида ҳам иккинчи ва учинчи тил сифатида фойдаланиш имконини беради;

- тил ўрганиш имкониятини кенг аудитория учун очиб беради, бу эса мактабда тилни фан сифатида ўрганишни хоҳловчиларнинг ишончини мустақамлайди;

- ўқув дастурида кўшимча вақт ажратмасдан тилни ўрганиш имкониятини беради, бу эса, айниқса, касбий таълим учун жуда фойдали.

Демак, кўп тилли таълимни миллий мактабларимизга татбиқ этиш юксак, самара бериши аниқ. Мана шундай лойиҳаларда вилоятимиздаги барча миллий мактаблар фаол иштирок этса, нур устига нур бўларди.

Шаҳноза АЛИАКБАРОВА,
Туркистон вилоят услубият маркази «Тилларни ривожлантириш» кафедрасининг ўзбек ва тожик тилларини ривожлантириш услубиятчиси.

“АЛИФБЕ” КЕЛДИ...

Ниҳоят, вилоятимизга янги дарслик – “Алифбе” ҳам етиб келди. У ўзбек тилида ўқитиладиган умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф ўқувчиларига мўлжалланган. Янги дарслик ўқувчи, устозлардан ташқари, ота-оналар учун ҳам фойдадан холи эмас.



Қозоқ тилида «Өліппе», рус тилида «Букварь» ва ўзбек тилида “Алифбе” бўлиб, бу йил илк бор чоп этилган янги дарслик ҚР Таълим ва фан вазирлигига қарашли республика таълим мазмунининг илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан, миллатнинг илк устози Ахмет Байтурсинов услубияти асосида, қайта ишланди. Учта дарсликда ҳам ҳарфлар кетма-кетлиги ва уларни ўрганиш услуби сақлаб қолинмаган.

Ун йиллар муқаддам фойдаланиб келинган “Алифбе”дан фарқи шундаки, илгари биринчи синфда болалар унли ва унсиз товушларни илк бор ўрганган бўлса, ҳозир фонетика таҳлилини ҳам билишлари талаб этилмоқда. Чунки бугунги болалар кечаги эмас. Улар мактабга боргунга қадар таълим гуруҳларига қатнашади, қолаверса, улар боғчаларида махсус тайёргарликдан ўтишади. Шу сабабли янги китоблар ишланишида рухшунослар ва тажрибали педагоглар фикр-мулоҳазаларидан кенг фойдаланилди.

Ёдингизда бўлса, 2017 йилда Ҳукумат мажлисида мактабларга “Алифбе”ни қайтариш зарурати афроғлича муҳокама қилинди. Айниқса, 2016 йилда мактаб дастурига киритилган “Сауат ашу” дарслиги қаттиқ танқидга учради. Сўнгра ушбу ўқув қўлланмасида болаларнинг жисмоний ривожланиш даражаси умуман инобатга

олинмаган, деган хулоса чиқарилди.

Депутатлар, хусусан Мажлис депутати Бекбулат Тлеухан Ҳукуматдан дарсликка 1 сентябрнинг маълум ва машҳур рамзи, тарихий «Алифбе» номини қўйиб, унинг мазмунини қайта ишлашни талаб қилди.

Маълумки, Қозғоғистонда дарсликлар ҳар тўрт йилда янгиланади. Сабаби, дунё тез ўзгармоқда, қўлланмадаги ахборотлар ҳам эскириб қоляпти.

Ушбу талабга риоя қилинган ҳолда мана, бу йил янги мазмунга эга “Алифбе” ўқувчилар қўлига теғди. Уни ишлашда таҳлилчилар, тилшунослар, услубчилар озмунча тер тўкмади. Энди йилнинг биринчи ярмида болалар “Алифбе”ни ўрганадилар.

Йилнинг иккинчи ярмида эса ўқувчилар иккинчи дарслик – “Саводхонлик” (аввалги номи “Она тили”) дарслигига ўтадилар ҳамда нутқ ва ёзишни ривожлантиришади, матнни тушуниш, ифодали ўқиш, тез ўқиш кўникмаларини шакллантиришади.

Ахмет Байтурсинов услубиятининг ўзига хослиги ҳам шундаки, ўқув материали оғзаки халқ ижодиёти орқали тақдим этилади. Шу тариқа 6-7 ёшли бола нутқ маданиятига ўрганади, ҳарфларни таний бошлайди.

Янги китоб муборак, азиз мактаб аҳли!

Н. МАВЛОНОВА.

МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПГАН БОБОДЕҲҚОН

Яратганнинг марҳамати ила инсонни дунёга келтирган падарибузрукворларимиз ва волидаи мухтарамалар олдида доимо таъзимдамиз. Энг қадрли инсонлар – ота-онаси ҳақида қалам тебратилиши сўраб мурожаат қилган вилоят маркази – Туркистон шаҳри Бирлик кичик туманида истиқомат қилувчи доимий муштарийимиз Иродахон Қудратова бу ҳақда шундай дейди: “Ота-она ҳақида сўз юритилганда, қалбимда ифтихор туйғуси жўш уради. Мен улар билан ҳақли равишда фахрланаман. Биз, 9 фарзандни ҳеч кимдан кам қилмай, вояга етказишди, еганимиз олдимизда, кийганимиз устимизда камол топдик. Улар олдида умрбод қарздормиз.



Янги йил арафасида отам 80 ёшни қарши олади. Умрнинг ўтишини қаранг. Куни кеча ота-онамиз бағрида ўйнаб-қулиб юрардик. Бугун муштипар онажоним орамизда йўқ. Дориломон кунларга етказганига шукрона қилиб ўтирган дадамиз файзли кексалик гаштини сурмоқда. Ҳақиқатан ҳам, ота-она фарзандга нур улашувчи порлок қуёшдир. Тириклигида уларнинг қадрига етиб, боқийга рихлат қилганларида дуо қилиш комил фарзанднинг чин инсоний бурчи.

Уруш иштирокчиси, қаризлик чорвадор Исоқ Йўлдошев оиласида дунёга келган қаҳрамонимиз меҳнат фаолиятини Андреев номли жамоа хўжалигида бошлади.

Д. Исоқов 1960-1961 йиллари Туркистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабида таҳсил олди ва пахтачилик бригадасида звенога етакчилик қилди.

Чигит экиш, ғўзани парваришлаш, мўл-кўл “оқ олтин” хирмони юксалтириш илмини ўрганиб, сўнг 4-пахтачилик бригадасида тракторчилар звеносига етакчилик қилди. Тумандаги илғор механизаторлардан бири Дадахон ака ғўзага ишлов бериш, уни йиғиб-териш олишда жонбозлик кўрсатди, мавсум мобайнида “зангори кемалар”да 60-70 тонна пахта териш, “оқ олтин” хирмонининг юксалишига муносиб ҳисса қўшди. 1993 йилдан эътиборан Б. Ирисқуловнинг деҳқон хўжалигида звено етакчиси сифатида меҳнат қилган ҳамюртимиз 2005 йили нафақага чиқиб, айнаи дамда неваралари ардоғида қариллик гаштини сурмоқда. Пахтакорнинг юксак меҳнатлари инobatга олиниб, 1973 йили давлат томонидан “Запорожец” автомашинаси билан мукофотланди. Меҳнат фаолияти мобайнида 3-даражали “Меҳнат Шухрати” ордени (1978), “Шавкатли меҳнати учун” ва юбилей медаллари, қатор фахрий ёрлиқлар, “Социалистик мусобақа голиби” кўкрак нишонлари билан тақдирланган Дадахон бобо бугун Қариздаги ёши улғу қариялардан бири, доно маслаҳатлари билан ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқда. Раҳматли умр йўлдоши Баргиниса ая илғор сут соғувчи бўлган, қатор медаллар билан тақдирланган. Тўнғич қизи Тунжур она касбини давом эттирмоқда, қизлари Анжир, Ўғилой, Умида, Ирода ва Диёра – уй бекалари. Ўғиллари Шукрулла, Насрулла ва Нуриллар – бунёдкорлик соҳасида жавлон урмоқда.

Мақола ёзилишига сабабчи, ташаббускор таниқли хушовоз хонанда, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси аъзоси Шокир Қудратов таъбири билан айтганда, Дадахон отадай нурунийларнинг дуоси ила юртимиз ҳаммиша гуллаб яшнайверади.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.

Қозоғистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби, шоир, “Адабиёт ва санъат” жамоат бирлашмаси раиси Нурмахан Назаров шоир Эрناзар Рўзиматов билан адабий суҳбат қуриб, кифтига тўн ёпмоқчи эканлигини маълум қилди. Белгиланган вақтда Қозоғистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси Эрназар Рўзиматов, ўғли Нурмуҳаммад ҳамда фаол жамоатчи обуначимиз Эркин Қолиμβетовлар бизни – Нурмахан Назаров, тарихшунос зиёли Абдуҳолиқ Нуржанов ва каминани Эрназар ака хонадонидан қарши олишди.



Шоир Эрназар ака хонадонидан

Қозоғистон Мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида Туркистонда қалам тебратган шоирлар Олимжон Дуржонбоев, Пўлат Иброҳимов, Султон Бобохонов, Қалихан Алтеков, Сағит Шакиров, Ҳамза Мирҳайдаров, Парпи Бобоев, Фарҳод Раҳимов, устоз санъаткор Жўраш Отахонов каби орамизда йўқ бўлса ҳам, хотираси барҳаёт инсонлар номи тилга олинди. Бадиий асарларни қозоқ тилидан ўзбекчага,

ўзбекчадан қозоқчага таржима қилишни жонлантириш ҳақида режалар муҳокама қилинди.

Жорий йил Амир Темурнинг 685 йиллиги. Бу ҳақда Нурмахан Назаров:

– Яссавийни Амир Темур жаҳонга танитган. Шунинг учун менинг тақлифим – А. Темур ҳайкалини баланд супага ўрнатиб, “Туркистондаги ноёб санъат намунаси бўлган мақбарани қурган буюк шахс”, деб

ёзиб қўйиш керак, – деди.

Қизиқарли ва дўстона суҳбат шу зайлда давом этди. Н. Назаров Эрназар аканинг кифтига тўн ёпар экан:

– Менинг юбилей тадбиримда Эрназар ака кифтимга зарбоф тўн ёпган эди. Ўзаро ҳурмат-иззатга нима етсин. Сизга катта раҳмат, – деди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

ЭЗГУ ИШЛАР – УМР ЗИЙНАТИ

Ўтган ўқув йилида қандайдир сабаб туфайли шаҳар, вилоятда фан олимпиадаси тизимига ўзбек тили ва адабиёти фани кирмай қолиб, анча шов-шувга сабаб бўлди. Фидойи устоз-муаллимлар саъй-ҳаракати билан шаҳар олимпиадасига киритилди. Беллашувга тайёргарлик кўриб юрган ўқувчилар, устозлар ва ота-оналар шодлиқларини яширмадилар. Аммо шаҳарда бўлгани билан вилоятда бўлмаганлиги устозларнинг дилини хира қилди. Шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси томонидан департаментга хат йўлланди. Ижобий жавоб бўлмагач, Қозоғистон Республикаси Парламенти депутати Фахриддин Қоратоевга ёзма мурожаат қилинган айнаи муддао бўлди.

Олимпиадага ўзбек тили ва адабиёти фани киритиладиган бўлди, ўқувчилар вилоят босқичида қатна-

шиб, голибликни қўлга киритишди. Ота-оналар депутатга миннатдорчилик билдиришди.

Бир тарихий воқеани айтиб кетишни маъқул кўрдим. Дастлаб 2008 йили акам раҳматли оламдан ўтганда, унинг нафақа жамғармаси пулини ололмадик. Туркистондаги барча банкларга мурожаат қилдим. Ҳеч бири “Қорғау” нафақа жамғармасини қаердалигини айтиб бера олмади. Ниҳоят, журналист Шомирза Мадалиевнинг тавсияси билан вилоят маслаҳати депутати раҳматли Муталлиб Йўлдошевга ёзма равишда мурожаат қилдим.

Икки-уч кун ўтгач, Шимкент “Қорғау” жамғармасидан менга кўнғироқ қилиб, зудлик билан ҳужжатларни расмийлаштиришимни айтишди. Ишни битириб қайтаётганимда, “бу масалага депутатни аралаштирмай, ўзимизга мурожаат қилсангиз ҳам ҳал бўларди”, дея гина қилишди ҳам.

Фахриддин билан оға-инидекмиз, у “Жанубий Қозоғистон” газетаси бош муҳаррири вазифасини адо этаётганда, таҳририят тарихига оид эсдалик китобнинг чоп этилгани ёдимизда. Айнаи дамда Ф. Қоратоев Парламент мажлисидаги сўзлаётган гаплари, Ҳукуматга қўяётган савол-жавоблари халқ ишончини оқлаётганининг бир кўриниши, холос.

Фахриддиннинг яна бир сирини айтиб ўтай. У чиройли овоз соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти Фахриддин Умаровнинг қўшиқларини қўйилмақом ижро этганига гувоҳман.

Мақолам сўнгида Ф. Қоратоевга вилоят ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари томонидан миннатдорчилик билдираман.

Элга хизмат қилишдан чарчаманг, омон бўлинг, Фахриддин Қоратоев!

Ҳусан УБАЙДУЛЛАЕВ.
Туркистон шаҳри.

Ўранғайликлар талаби амалга ошди



Газетада аввал хабар қилганимиздек, Ўранғай қишлоқ оқсоқоллар кенгаши раиси, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, газетамизнинг доимий обуначиси Обиддин Фахриддиновнинг қишлоқ марказидан ўтувчи Туркистон ва Мактаб кўчалари чорраҳасига назорат камерасини ўрнатиш юзасидан мурожаати ўрганилиб, муаммо ҳал бўлди.

Таҳририятнинг Туркистон бўлимидан ҳамкасбимиз, вилоят маслаҳати депутати, “Южный Казахстан” газетаси бош муҳаррири М. Лимаренкога мурожаат қилди. Депутатлик савол вилоят ички ишлар бошқармасига жўнатилиди. Сентябрь ойининг сўнги ҳафтасида хавфли жойга назорат камераси ўрнатилди. Қишлоқ фаолларининг талаби амалга ошди. Энди ҳайдовчилар илгаригидек 120-150 чақирим тезликда эмас, қоидага

мувофиқ 60 чақирим тезликда ҳаракатланиб, пиёдаларга хавф туғдирмасликлар шарт. Акс ҳолда, жарима тўлашлари жоиз бўлади.

Камера ўрнатилган жойда миннатдор қишлоқ фаоллари – Обиддин Фахриддинов, М. Ауэзов номли мактаб директори Нурлан Қадиров, овул бийи Жумағали Бекмурзаев, қишлоқ ҳокимлиги ходимаси Гулнара Ибадуллаевалар билан учрашдик(тасвирда). Улар қишлоқ аҳли номидан ушбу муҳим ва эзгу ишга ташаббускор бўлган барчага ташаккур изҳор этдилар.

Тартиб-интизом, тинчлик-осойишталик, ҳаловат – энг олий неъматдир. Ўтган йили полиция капитани, 35 ёшдаги Расул Наршабаевни (айнан ҳозир камера ўрнатилган жойда) катта тезликда келаётган автомашина уриб кетиб, зобит бевақт ҳаётдан кўз юмган эди.

Ҳамқишлоқлари унинг хотирасини абадийлаштириш масаласида вилоят полиция маъмуриятидан кўмак сўрайди.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси таҳририяти доимий жамоатчи обуначи газетхонлардан тушган мурожаатларнинг, муаммонинг имкон қадар тез ҳал бўлишига камарбаста бўлди.

Ш. МАДАЛИЕВ.



ТІЛ МӘРТЕБЕСІ

«Өз тілімен сөйлескен, өз тілімен жазған жұрттың ұлттығы еш уақытта адамы құрымай жоғалмайды. Ұлттың сақталуына да, жоғалуына да себеп болатын нәрсенің ең қуаттысы – тілі», деп тіл жанашыры, ағартушы А. Байтұрсынов атымыз айтқандай, адам баласы өз ана тілін жетік меңгеруімен қоса, туып өскен Отаны, мемлекеттік тілін қоса сүйіп үйренуі тиіс. Біздің Отанымыз – Қазақстан. Қазақстанда өмір сүретін әрбір азамат қазақ тілін білуге міндетті.

Қазақстан республикасында 5 қыркүйек «Тілдер мерекесі»не орай мемлекеттік тілдің мәртебесін көтеріп қастерлеп, келешек ұрпаққа ұлылардың асыл сөздерін насихаттау мақсатында Махмұд Қашғари атындағы мектеп-лицейінде түрлі іс-шаралар ұйымдастырылды. Іс-шарада мектептегі барлық тіл мамандары белсенде қатысты. Әсіресе, 4-сынып оқушылары арасындағы «Тіл – дарын» атты сайыс өте қызықты және тартымды өтті. Сайыс барысында оқушылар «Қысқа сұраққа, жылдам жауап», «Сөзден сөзге», «Ойымды жалғастыр», «Стоп кадр» әдістерін

қолдана отырып, қазақ тілі пәнінен алған білімдерін дәлелдеді. Өділ қазы алқалары оқушылардың сауаттылығы, шапшаңдылығы, зеректігі, мәнгерлеп оқумен қатар мемлекеттік тілде ән айтып, би билегендеріне тамсана қарады.

Өткен оқу жылындағы жаман індетке байланысты қашықтықтан оқуына, қиын-қыстау кезеңге қарамастан оқушылардың білімге құштарлығы, мектеп құшағына оралған әрбір оқушының қимылынан байқалады.

Аз уақыт ішінде оқушылардың білімін жеткізіп, жоғары дәрежеде сайыс ұйымдастырған қазақ

тілі пәні ұстаздары Д. Қаунабаева, М. Абубакироваларға мектеп әкімшілігі үлкен ризашылығын білдірді.

Ата бабамыздың сан ғасырлық асыл мұраты – салт-дәстүрі, сенім-нанымы, тарихы мен мәдениеті келешек ұрпаққа ана тілі арқылы сақталып, табыс етілді. Олай болса, ата өсиетіне құлақ асып, ананың тілі арқылы жеткен бабалар аманатына адал болайық.

Бірлігі бекем елдің болашағы нұрлы, келешегі кемел, әрдайым осы бірлігімізден айырылмай, татулығымыздан танбай, жұбымызды жазбай, болашаққа бірге қадам баса берейік! Ел тыныштығының тұнығы бұзылмай, бейбіт елдің берекесі арта берсін!

А. САЙФУЛЛАЕВА,
Махмұд Қашғари атындағы
мектеп-лицейдің
қазақ тілі мен әдебиеті
пәні мұғалімі.

Швейцария ва Буюк Британия аҳолиси энг инсофли ва тартибли деб ҳисобланиши мумкин. Бир неча тадқиқотлар натижасига кўра, ушбу икки мамлакат фуқаролари бошқаларга қараганда атрофдагиларни кўп муносабатлар қаторида молиявий масалаларда ҳам камроқ алдашади.

Америкалик ва швейцариялик олимлар 2018 йил мобайнида дунёнинг турли шаҳарларида бўлиб, биргина тажрибани тақдор-тақдор ўтказишган. Улар одамларга кўринадиган жойда, масалан, кўчада, музейда, банкда ва меҳмонхоналарда пул тўла ҳамённи эгасининг маълумотлари билан бирга қолдиришган. Сўнгра, ҳамённи топиб олган шахс қандай йўл тутишини кузатишган. Шундай қилиб, дунёнинг 40 мамлакатида 17 мингдан ортиқ киши инсофда синалган.

Одамлар ўзларининг моддий фойдасига қарши келмагунча тартибли бўлади, анъанавий хулосадан фарқли ўлароқ, тажрибанинг ихтиёрсиз иштирокчилари топилмани эгасига қайтаришга ҳаракат қилишган. Бунда, кўп ҳолларда, (51га 40 нисбатда) ҳамён пули билан бирга қайтарилган. Таъкидланишича, ҳамён ичидаги нақд пуллар қанчалик кўп бўлса, уни эгасига қайтариш эҳтимоли ҳам шунчалик ошган. Агар пул ҳамёнларни 46 фоиз ҳолатда қайтаришган бўлса, унча кўп бўлмаган ва кўп миқдордаги

НОИНСОФ ОДАМЛАР.

УЛАР ҚАЙСИ МАМЛАКАТДА КЎПРОҚ?



нақд пуллар бўлган ҳамёнлар тегишли равишда 61 ва 72 фоиз ҳолларда эгасига қайтарилган.

Қайд этилишича, топилма эгасига Швейцария, Норвегия ва Дания (70-85 фоиз) кишилар алоқага чиқишган. Энг кам натижа Хитой, Перу ва Қозоғистонда кузатилган. Россиянинг бу борадаги кўрсаткичи 55 фоиздир.

Мутахассислар бу ҳолатни

куйдагича изоҳлашди: пул тўла ҳамённи ўзлаштирган одамлар ўзларини ўғри деб ҳисоблашлари боис, бўш ҳамённи чўнтакка урганларга қараганда руҳий ноқулайликни кўпроқ ҳис қилишади. Бу фикрни тажриба ўтказилган мамлакатларда бўш ҳамённи ўзлаштириш учун жазо белгиланмагани ҳам билвосита тасдиқлайди. Қайтарилган буюм учун эса, ҳамён ичидаги маблағдан бир неча баробар кам мукофот пули белгиланган. Бундан ташқари, олимларнинг тахминий фикрларини Польша, Буюк Британия ва АҚШда 2,5 минг киши орасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаси ҳам исботлайди. Уларнинг аксарияти, пулли ҳамённи эгасига қайтармаса, ўзларини ёлғончи ҳис қилишларини таъкидлашган. Бироқ, бўш ҳамён билан боғлиқ ҳолатда виждон билан келишиб кетиш осонроқ кечган.

Шунингдек, одамлар, уларни атрофдагилар кузатиб турганини ҳис қилишса, инсофлироқ ҳаракат қилишга уриши ойдинлашган. Британиялик олимларнинг аниқлашича, инсон қиёфалари тасвирланган реклама баннерлари олдида ҳам камроқ ўғрилик ёки ўзганинг мулкини ўзлаштириш жиноятлари камроқ содир этилади.

Интернетдаги очик манбалар асосида.

БОҒБОН ВА СОҶИБКОРЛАР УЧУН ҚИЗҒИН ПАЛЛА

КУЗДА БОҒ-ТОКЗОРЛАР, МЕВАЛИ БОҒЛАРДА БАЖАРИЛАДИГАН АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР

Мевали дарахтлардан келгуси йил юқори ҳосил йиғиб олиш ва уни сақлаш учун октябрь-ноябрь ойларида бажариладиган агротехник тадбирлар муҳим ҳисобланади.

Боғ-токзорларда келгуси йилда мўл ва сифатли ҳосил олиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб қилинади:

1. Боғ ва токзорлар атрофидаги ерни 25-30 см чуқурликда ағдариб чопиш.
2. Мевали дарахтларнинг касалланган, қуриб қолган, синган шох ва новдаларини қирқиб олиб ташлаш.
3. Боғ қатор ораларининг шудгорлаш ишларини амалга ошириш.
4. Об-ҳаво шароитига қараб, ёғингарчилик бўлмаган кунлари дарахтларнинг барглари 70-80 фоиз тўкилган боғларда манилиоз, парша ва бошқа касалликларга қарши Фиталовин+Фармоед (10 л сувга 20 г + 5 г) ёки Карбомиднинг 6 ёки Бордо суюқлигининг 3 фоизли эритмаси билан жиққа хўл қилиб ювиш.
5. Ноябрь ойида дарахтларга яхоб суви бериш жуда фойдали ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда боғларда, мевали дарахтларни, биринчи галда ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, йирик мевали олча дарахтларининг тана ва она шохларини оқлаш талаб қилинади. Бунда 10 л. сувга 2 кг. тупроқ, 1,5 кг оҳак кўшиб оқланади.

Боғларни шудгор қилишдан олдин органик ўғит солинади.

Боғ ва токзорларни суғориш келгуси йил юқори ҳосил олиш учун имконият яратади.

Резавор мевали ўсимликлар: қулупнайзорлар қатор оралари 12-15 см чуқурликда юмшатилиб, гектарига 15-20 тонна ҳисобида гўнг солинади. Шунда ўсимлик қишки совуқ уришдан сақланади, сифатли яхши бўлиши таъминланади ва келгуси йили мўл ҳосил беради.

Малиназорларда қуриган новдалар кесиб ташланади, гектарига 60–90 кг. фосфорли, 30–45 кг. калийли ҳамда 10–15 тонна органик ўғитлардан солиниб, қатор оралари 12–15 см чуқурликда шудгорланади. Тупроқда намлик етарли бўлмаса, суғорилади.

Ноябрь ойининг иккинчи ярмидан янги боғлар барпо қилиш, яъни мевали кўчатларни экиш мумкин. Бунда асосан уруғ мевалилар олма, нок ва беҳи кўчатлари экилади. Данакли мевалилардан ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, олча кўчатлари эрта баҳорда экилади, чунки, улар совуққа чидамлилиги пастроқ бўлганлиги боис айрим, совуқ кучли бўлган вақтда совуқ уриши мумкин.



Токзорларда тоқларни кесиш, дорилаш ва кўмиш ишларини ноябрь ойининг биринчи ярмида тугаллаш катта аҳамиятга эга. Чунки бу йилги об ҳаво шароити совуқ бўлиши кузатилаётган бир вақтда барча дала ишларини ноябрь ойида тугатиш келгусида яхши натижа олиш имконини беради.

Тоқларни кесишда энг аввало касалликлар билан зарарланган новда ва занглар қирқиб олиниб, токзордан чиқариб ташланиб, ёқиб юборилади. Касалликларга қарши 3 фоизли Бордо суюқлиги ёки 5 фоизли оҳак-олтингургурт қайнатмаси билан ёки мис купоросининг 1 фоизли ёки темир купоросининг 3 фоизли эритмаси билан жиққа хўллаб пуркаш зарур.

Тоқлар тўлиқ кўмилиб бўлгач, қатор ораларига 90-120 кг. фосфорли, 40-45 кг. калийли ҳамда 10-15 тонна гўнг солиниб, тупроқ 25-30 см чуқурликда шудгорланади.

Agromart сайтдан.



Японияда кана чақиши орқали юқувчи номаълум вирус аниқланди.

УСТОЗ-МУАЛЛИМЛАРГА ЭҲТИРОМ

Қозоғистон Халқи Ассамблеяси аъзоси Баҳодир Ирисметов раҳбарлик қилаётган Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасининг кенгаши йиғилиши ўтди.



Унда фаоллар Тўлқин Саидмуродов, Тойир Абдувалиев, Муҳаббат Иброҳимова, Замир Муҳаммаджонов, Райимжон Қўчқоров, Шомирза Мадалиев, Райимжон Алибоевлар иштирок этиб, 60 нафар устозни ўқитувчилар куни байрами билан кутлаш масаласи муҳокама қилинди. Тадбирда ўқитувчиларга вилоят ҳокимлигининг Жамоат тотувлиги бошқармаси, Туркистон шаҳар маслаҳати, Қозоғистон Халқи Ассамблеяси тасарруфидаги ҚР «Дўстлик» ҳамжамияти, ви-

Мақсат Танатаров, депутатлар Сакен Хандиллаев, Рая Ибадуллаевалар иштирок этиб, умумтаълим мактаблари раҳбарлари Дилбар Дийметова, Ҳикматулла Ажиметов, Хусан Диметов, Муҳаммадрасул Иззатуллаев, Рустам Алиев, Роҳила Уримова, Рўзбой Юсупов, Мирзақул Базарқулов, Нурбўл Дуйсебек, Ерлан Рисбеков, Гулнар Утеуова, Гулзада Исмаиловаларга шаҳар маслаҳатининг ташакурномалари тақдим этилди.

Шунингдек, шаҳар мактаб-

Ўз навбатида мактаб директорлари янги ўқув биноси қурилиши, қишга тайёргарлик, йўл хавфсизлиги ва бошқа масалалар юзасидан саволлар бериб, қониқарли жавоб олишди. Меҳнат фахрийси Халил Ҳабибуллаев, Ҳамза номли мактаб касоба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Абдураимовларнинг таклифлари тинглиниб, чора қўриладиган бўлди.

Ушбу кўламдор тадбирни уюшқоқли ўтказишда камарбаста бўлган Ҳамза номли мактаб-



лоят, шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмалари маъмуриятларининг ташакурномалари билан тақдирлаб, совғалар топшириш хусусида қарор қилинди.

Ҳамза номли мактаб мажлислар залида ўтган тантанали тадбирда шаҳар маслаҳати котиби

ри ўқитувчиларига ўзбек этномаданият бирлашмаси ҳомийлигида тайёрланган қимматбаҳо совғалар топширилди.

Маслаҳат котиби М. Танатаров амалга оширилган ишлар, галдаги режалар ҳақида атрофлича маълумот берди.

жамоасига, собиқ директори Замир Муҳаммаджонов, ҳозирги раҳбари Дилбар Дийметоваларга миннатдорчилик билдиради.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Ривоят

Мен мартабамга яраша беряпман

Бир аёл имом Лайс ибн Саъд ҳузурига келиб:

– Эрим касал бўлиб қолди, озгина асал берсангиз, – дебди. Қўлида кичкина идиш бор экан.

Шунда имом хизматкорига мешга асал солиб беришни буюрибди.

Хизматкор эса:

– Бу аёл кичкина идиш кўтариб келди, сиз бўлсангиз, мешга солиб бер, деяпсиз? – дея савол

билан юзланибди.

Имом унга жавобан:

– У ҳолатига яраша идиш олиб келди, мен эса, мартабамга яраша беряпман, – деб жавоб қилган экан...

Кўряпсизми, улуғлар ҳеч қачон паст кетмаган, балки пастдагиларни ҳам улуғликка етаклаганлар.

Ҳозирчи? Бизнинг давримизда ким сўраб келганини ошиги билан олаяпти?

Балки бундай қилиш бизнинг ҳаёлимизга ҳам келмас. Аксинча, камроқ бериш пайда бўламиз. Шунини бераётганимга ҳам шукур қилсин, деган итдао бўлади баъзан ичимизда. Ёки замонамизнинг улуғ кўринганлари улуғ эмасми аслида?

Қисқа умрда тўғри хулоса қилишга улғуришнинг афзалликлари бисёр...

"Ибралти дунё"дан

"Юлдуздай порлаб юравер...!"

Носир Фозилонинг китоб саҳифасидаги дастхатидан.

*Болалик хотиралари
тез – тез ёдимга
тушади....*



Онам Туркистон шаҳридаги "Чўрнок" мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берарди. Бир куни онамнинг синфидаги бир гуруҳ ўқувчиларни Эски Иқон қишлоғига, шоир Миртемир бобомизнинг уй-музеи очирилиши тадбирига таклиф қилишибди. Ўқувчилар билан опам мени олиб, йўлга тушди. Тадбирга етиб келдик. Ўзбекистондан бир гуруҳ ёзувчилар келган, улар орасида Носир Фозилов ҳам бор эди. Илк бор Носир Фозилов билан учрашганимда мактаб ўқувчиси эдим...

– Қаранг..., шундай азим Тошкентдайд жойдан ёзувчи, болаларнинг севиқли ёзувчиси... Бундай туйғуни тушунтириб беришга қалам ожизлик қилади. Меҳмонларнинг кўпчилиги таниқли ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар эди. Онам таниқли ёзувчиларнинг исми-шарифини айтиб, бизни улар билан таништириб кўярди. Анжуман тугагач, мен китоблар кўргазмасидан Носир Фозилонинг "Саратон" китобини сотиб олдим-да, вақт топиб, унинг муаллифи олдида бордим.

– Мумкин бўлса, дастхат ёзиб беринг, – дея китобни узатдим. Атрофини ўраб олган мухлислари ичидан аранг чиққан кичкина қиз эйтиборини тортди шекилли, қўлимдан китобни олди-да

– Исминг нима? – деди.

– Юлдуз, – дедим.

Китобнинг ички саҳифасига "Юлдузхон, юлдуздай порлаб юраверинг", дея имзо чекди.

Бу дастхат менинг ҳаётимда катта бурилиш ясади. Ҳар бир ишимда фақат олдинга интила бошладим.

Мана шу болалик хотираларни, мен учун эсдалик бўлган Носир Фозилов сиймосини тез-тез эслаб тураман. Китоблар кўргазмасидан ёки кутубхонадан янги китобларини излайман, олиб ўқийман, Тошкентдан Туркистонга йўл олсам, Эски Иқон қишлоғидан ўтиб бораётиб, шоир уй-музеи, у ердаги хотиралар ёдимга тушади. Тошкентда яшасам-да, шу инсон Носир ака Фозилов билан учрашишни ният қилардим, лекин имкон топа олмадим.

Йиллар ўтиб Муборак опа Фозилова билан учрашдим, у пайтда адиб оламдан ўтган эди. Аёли Муборак опа, ўғли Хондамир, келини билан танишдим. Муборак опа кўпни кўрган, вазмин аёл экан. Суҳбат давомида Носир Фозилонинг шундай ёзувчи бўлиб, қатор китоблари мухлисларига етиб боришида бу аёлнинг меҳнати борлигини ҳис қилдим.

Носир Фозилов туғилиб ўсган қишлоқдаги Э. Иззатуллаев номли мактабда адибнинг музейи ташкил этилаётганини эшитиб, оила аъзолари хурсанд бўлишди. Муборак опа чин дилдан миннатдорчилик билдирди. Бир олам маълумотлар, таассуротлар билан уйга қайтдим.

Забардаст адиб Носир Фозилонинг дуосини олган қизалоқнинг кейинги тақдири қандай кечди, деган савол туғилиши табиий. Мен жуда бахтлиман, чунки ҳаётда нимаики ютуққа эришяётган бўлсам, барча – барчаси пиру бадавлат отам Эргашбой Қулмат ўғли, ҳаёт сўқмоқларида чиниқини ўргатган, меҳрибон онам Фариза Файзулла қизи ҳақида ҳамisha дуодаман. Шу инсонларнинг тарбияси, берган ўғитлари ҳар қадамда менга йўл кўрсатди. Ҳаётда бахтли яшашимга сабаб бўлди. Ҳозирги кунда таниқли устозман, фарзандларим онаси, невараларим сеvimли бувижонисман. Турмуш ўртоғим – энг яқин инсоним. Мактаб жамоасида, устозлар даврасида қадрли устоз, ўқувчи ва шоғирдларим эъзозиданман. Барчасига беҳисоб шукурлар бўлсин.

Юлдуз ШОХЎЖАЕВА,

Яшнабод туманидаги

255-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

Тошкент шаҳри.

Директор–Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир

ўринбосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.

Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –

Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.

Тўлебий — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.

Қазигурт — Хуршид ҚЎЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.

Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.

Тулкибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан
2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 11510 нуска.

"ERNUR-print" МЧБ бошқарувида чоп этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимулов кўчаси, 22.

Буёнрма:
2610.

Набатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.